***ва ижтимоий, ахборот-коммуникация манзарасида чуқур ўзгаришлар рўй бераётган, турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, барчамизга аёнки, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда...***

***Агарки биз бундай хатарларга қарши ўз вақтида қатъият ва изчиллик билан кураш олиб бормасак, турли зарарли оқимлар бизнинг юртимизга ҳам шиддат билан ёпирилиб кириши, ёшларимизни ўз гирдобига тортиб кетиши, оқибатда улар ота-она, оила, эл-юрт олдидаги бурчи ва масъулиятини ўйламайдиган, фақат бир кунлик ҳаёт билан яшайдиган худписанд кимсаларга айланиб қолиши мумкин».***

Юртбошимиз ҳақли равишда таъкидлаганидек, «Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб беришимиз мумкин».






Бу тарбия тизими ўз мустақил фикрига, соғлом негизда шаклланган дунёқараши ва мустаҳкам иродага эга, теварак-атрофда содир бўлаётган жараёнлар, бузғунчи ғояларнинг туб моҳиятини чуқур англаб етадиган, уларни теран ва холис таҳлил эта оладиган баркамол шахсни тарбиялаб вояга етказишга қаратилмоғи лозим.

**МАНЗИЛ:**

**Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй.**

Тел: 233-99-40.
Веб-сайт: manaviyat.gov.uz
Э-почта: manaviyat@umail.uz

«Маънавият» нашриёти босмахонасида чоп этилди.
Тошкент, Тараққиёт 2-берккуча, 2-уй.
Буюртма №11. Адади 1000

Respublika Ma'naviyat targ'ibot markazi • Republican center propaganda of Spirituality

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ

# МАЪНАВИЙ ХАВФСИЗЛИК – МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ТАЯНЧИ



*Маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охир-оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин.*

**Ислом КАРИМОВ**

Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружлар назарда тутилади.

Маънавий таҳдиднинг мақсади – Президентимиз ибораси билан айтганда, «дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади».

Маънавий таҳдид шакллари:

1. Оммавий ва субмаданият кўринишдаги таҳдидлар.
2. Ахборот хуружлари ва агрессив руҳдаги маълумотлар.
3. Интернет тизимидаги ахлоқсизлик ва ёвузлик тарғиботи.
4. Аудио ва видеовизуал акс таъсирли маҳсулотларнинг кўпайиши.
5. Диний тушунчаларни нотўғри тарғиб этиш.

Миллий хавфсизлик – давлат чегараларининг ташқаридан ва ичкаридан юзага келиши мумкин бўлган турли ғаразли кучлар таъсиридан ҳимояланганлиги.

Хавфсизлик тушунчаси:

Ҳуқуқий маънода – шахсга қарши қаратилган жиноятлардан бири бўлиб, ҳаёти ёки соғлиги хавф остида қолган ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган кишиларга ёрдам кўрсатишни англатади.

Фалсафий маънода – жамият ҳаётига алоқадор деярли барча масалаларни, чегара хавфсизлиги, минтақа ичида тинчлик-осойишталик ҳукм сураётгани, экстремистик, айирмачи гуруҳларнинг мавжуд эмаслиги, порахўрлик, коррупция, нигилизм каби салбий ҳолатларнинг камайиши назарда тутилади.




«Хавфсизлик» тушунчаси миллий, минтақавий ва халқаро турларга ажратилиб, қуйидагиларни ўз ичига олади

– ижтимоий хавфсизлик;
– иқтисодий хавфсизлик;
– сиёсий хавфсизлик;
– маънавий хавфсизлик;
– мафкуравий хавфсизлик;



– экологик хавфсизлик;
– шахс хавфсизлиги;
– ресурс хавфсизлиги;
– чегара хавфсизлиги;
– сув хавфсизлиғи;
– озиқ-овқат хавфсизлиги.

Маънавий хавфсизлик – инсон, халқ ва жамият аъзоларини маънавий хуружлар, ғоявий таҳдидлардан ҳимояланиш тизими. Маънавий хавфсизлик миллий хавфсизликнинг таркибий қисми сифатида умуммиллий манфаатларни ҳимоя қилишга йўналтирилган фаолиятдир.

Президентимиз «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида таъкидлаганидек: ***«Ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёнинг геополитик, иқтисодий***

